

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ГАНИХАНОВА МАДИНА БАХРЕТДИНОВНА

**ТЕХНИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИДА
МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – “Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси” (инглиз тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ганиханова Мадина Бахретдиновна

Техник олий таълим муассасаси талабаларида медиатеchnологиялар
асосида инглиз тилини ўқитиш методикаси 3

Ганиханова Мадина Бахретдиновна

Методика обучения английскому языку на основе медиа-технологий
студентов технических вузов21

Ganikhanova Madina Bahretdinovna

Methodology of teaching English based on media technologies for students of
technical universities.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works45

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ГАНИХАНОВА МАДИНА БАХРЕТДИНОВНА

**ТЕХНИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИДА
МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – “Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси” (инглиз тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Чирчиқ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Ped605 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cspi.uz.ilmiy-kengash) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳкамов Улфат Илҳомович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нурманов Абиназар Ташбаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Икрамханова Феруза Икромовна
Филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Чирчиқ давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 11720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41, e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

Докторлик диссертацияси билан Чирчиқ давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 11720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70 712-27-55; факс: (+998) 70 712-45-41.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Қ.Мардонов

илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ф.У.Қодирова

илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.д (DSc)

У.Н.Ходжамкулов

илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д. (DSc)

КИРИШ

(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда олиб борилаётган глобал ўзгаришлар кадрлар тайёрлаш тизимини медиатеchnологиялар асосида такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Медиатаълим (Media Education) инновацион ёндашув сифатида кўпроқ етакчи халқаро илмий марказлар ҳамда таълим муассасалари; таълим, фан ва маданият билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар (UNESCO, UNICEF), халқаро медиатаълим марказлари (International Media Education Centers, United States) томонидан амалга оширилмоқда. Олий таълим муассасаларида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг инглиз тилини билиш даражасини медиатеchnологиялар асосида ташкил этиш долзарб муаммолардан бири бўлиб, унинг илмий-методик асосларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурати тобора ортмоқда.

Дунёнинг бир қатор давлатлари, жумладан, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Австралия каби ривожланган мамлакатларда медиатеchnологиялар асосида таълим жараёнини амалга оширишга доир педагогик моделларни ишлаб чиқиш, чет тилларини ўқитишнинг педагогик ва психологик хусусиятларини аниқлаштириш, таълим жараёнида талабаларнинг ўқув-медиа маҳсулотлар воситасида инглиз тилини ўзлаштириш суръатини жадаллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олий таълим муассасаларида медиатеchnологияларга асосланган ҳолда бўлажак муҳандисларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида техник инглиз тилини билиш даражасини такомиллаштириш уларни касбий фаолиятга тайёрлашда ҳамда таълим сифатини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Бунинг учун олий таълимнинг халқаро андозаларга мослигини таъминлаш, ижтимоий буюртмага мувофиқ малакали педагог кадрларни ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш медиатеchnологияларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари билан интеграциялаш орқали амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ устувор вазифасининг ижросини таъминлаш олий таълим муассасалари талабаларини техник инглиз тилини билиш даражасини ривожлантиришни ахборот-коммуникация, замонавий педагогик ва рақамли технологиялардан фойдаланиб касбий фаолиятга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу эса, медиатеchnологиялар асосида олий таълим муассасалари талабаларини техник инглиз тилини билиш даражасини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

такомиллаштириш ҳамда ўзлаштириш натижаларини объектив ва автоматик баҳолаш шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш, амалиётга самарали татбиқ этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда малакали кадрлар касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга доир амалий ва фундаментал тадқиқотлар, медиатеchnологиялар муҳитини ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг назарий асослари ҳамда бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича тадқиқотлар Р.Ҳ.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, А.Абдуқодиров, У.Бегимқулов, У.И.Иноятов, Ф.М.Закирова, Ҳ.О.Жўраев каби олимлар томонидан амалга оширилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Г.А.Усов, Г.Я.Власкина, Т.М.Бармашева, В.В.Ксенофонов, С.Р.Фейгинов, В.А.Монастырский, В.И.Иванов, М.Ю.Бухаркина, Н.А.Лепская, Н.П.Петрова, В.А.Самойловларнинг тадқиқотлари таълимни ахборотлаштириш, таълим амалиётига медиатеchnологияларни татбиқ этиш, ишлаб чиқариш фаолиятида инглиз тилини билиш даражасига қўйиладиган талаблар ва мезонларни белгилаш масалаларига бағишланган.

Хорижлик тадқиқотчилардан Э.Бевор (E.Bevert), Л.Мастерман (L.Masterman), С.Френе (C.Freinet), М.Мартино (M.Martineau), Г.Хакен (G.Haken)ларнинг илмий изланишларида медиатеchnологиялар назарияси ва рақамлаштириш амалиёти, медиатеchnологияларни таълим амалиётига татбиқ этиш шакллари ва усуллари, инсоннинг мустақил танқидий аргументлар

орқали мулоҳаза юрита олиш қобилиятини оширишда медиатехнологияларнинг ўрни каби масалалар ёритиб берилган.

Мамлакатимизда таълим жараёнида медиа воситаларидан фойдаланишнинг жуда катта потенциали мажудлигига қарамасдан, улардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги, педагогларнинг медиатехнологиялар назарияси ва методикаси билан атрофлича таниш эмаслиги, бўлажак муҳандисларда медиаларни тўлиқ идрок этиш ва таҳлил қила олиш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда уларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида техник хорижий тилни ўқитишнинг медиатехнологиялардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш зарурати мазкур тадқиқот мавзусини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” (2018-2021 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади техник олий таълим муассасаларида медиатехнологиялар асосида талабаларга инглиз тилини ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

талабаларга табиий-илмий, умумкасбий ва махсус фанлардан таълим бериш жараёнида фанлараро интеграцияни таъминлаган ҳолда рақамли ва медиатехнологиялардан фойдаланишнинг педагогик хусусиятларини очиб бериш;

талабаларга техник инглиз тилини ўқитишда медиатехнологиялардан фойдаланишнинг педагогик имкониятларини ёритиб бериш;

техник таълим йўналиши талабаларига медиатехнологиялар воситасида инглиз тилини ўқитишнинг ташкилий-методик моделини ишлаб чиқиш;

бўлажак муҳандисларнинг медиатехнологиялар воситасида инглиз тилини ўзлаштириш даражасини ошириш ва жадаллаштиришнинг ахборий-дидактик таъминотини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида техник олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тилини медиатехнологиялар асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, педагогик тажрибасинов ишларида Тошкент давлат техника университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва Бухоро муҳандислик-технология институтлари нефть-газкимё саноати технологияси бакалавриат таълим йўналишларининг 775 нафар талабаси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини техник олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тилини медиатехнологиялар асосида ўқитишнинг мазмуни, самарали методлари, йўллари, шакл ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган социометрик: суҳбат, анкета, сўровнома, интервью,

тест; педагогик-психологик: моделлаштириш, умумлаштириш, қиёсий ёндашув, таҳлил; педагогик эксперимент ва математик: натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш, график тасвирлаш каби методлар мажмуидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак муҳандисларга инглиз тилини ўргатишнинг медиатеχνологик компонентлари тил ўргатмаларининг “инъекция” ва “семиотик” ёндашувларини талабаларнинг билиш даражасини интенсив ривожлантиришга йўналтирилган ахборий-дидактик муҳитга қайта алоқали муносабатда киритиш орқали такомиллаштирилган;

касбий фаолиятда ўқув-медиа маълумотларни қабул қилиш ва синтезлашга қаратилган “engineering activity”, “technical resume” каби интерфаол таълим методлари тил ўрганиш тажрибаларини жамоавий ҳаркатлар мувофиқлигида ривожлантиришга йўналтирилган иш турлари билан оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган;

инглиз тилини ўқитиш методикасини такомиллаштириш модели тил малакалари интеграциясига асосланган ахборотли контекстни касбий лексикани қиёсий ўрганишга қаратилган медиамуҳитда адаптив қўллаш асосида такомиллаштирилган;

касбий коммуникативликни ривожлантиришда медиатеχνологиялардан фойдаланишнинг дидактик таъминоти иллюстратив, репродуктив, ижодий каби тил билиш даражалари ва вазиятбоплик, қадриятлилиқ, тушунарлилиқ каби тамойилларга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак муҳандисларда медиатеχνологиялар воситасида техник инглиз тилини жадал ўқитиш теχνологиялари ишлаб чиқилган, ўзлаштириш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

талабаларга техник инглиз тилини медиатеχνологиялар ёрдамида ўқитишга мўлжалланган “English For the technical directions” номли ўқув қўлланма ва фаннинг электрон ўқув-услугий мажмуаси ҳамда дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

техник олий ўқув юртлари учун “Английский язык для технических вузов” фанидан дарслик ва интерфаол амалий машғулот ишланмалари яратилган;

бўлажак муҳандисларни техник инглиз тилини ўзлаштириш даражасини ривожлантириш учун www.techenglishmedia.uz медиа сайти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ишнинг мақсад ва вазифаларига мос келувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, тажриба-синов ишлари натижалари математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилинганлиги, ҳулоса, тақлиф ва тавсияларнинг таълим амалиётига жорий қилинганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти талабаларда таълимнинг муаммолилик, интегративлик, креативлик ва касбий-йўналтирилганлик талабларига жавоб берадиган медиакоммуникатив компетенцияларни ривожлантириш, техник инглиз тилини талабаларга ўқитишда медиатеchnологиялардан фойдаланишнинг педагогик хусусиятлари, бўлажак муҳандисларга техник инглиз тилини ўргатишда лингвопедагогика имкониятларининг назарий-методологик жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, олий таълим тизимида инглиз тилини мутахассисликка йўналтириб ўқитиш методикасини такомиллаштиришда, муҳандис кадрлар тайёрлашнинг ўқув режа ва дастурлари ҳамда малака талабларини такомиллаштиришда, техник инглиз тилини ўқитиш бўйича замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Медиатеchnологиялар асосида бўлажак муҳандисларни ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлашда инглиз тилини билиш даражасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак муҳандисларга инглиз тилини ўргатишнинг медиатеchnологик компонентлари тил ўргатмаларининг “инъекция” ва “семиотик” ёндашувларини талабаларнинг билиш даражасини интенсив ривожлантиришга йўналтирилган ахборий-дидактик муҳитга қайта алоқали муносабатда киритишга доир таклифлардан ФЗ-2019-06172 - “Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида фенолформальдегид смоласини ўрнини босувчи композицион полимер боғловчини олиш теchnологияимни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш” (2019–2021 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги №89-09-17-сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак муҳандисларни ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлашда инглиз тилини билиш имкониятлари кенгайтирилган.

касбий фаолиятда ўқув-медиа маълумотларни қабул қилиш ва синтезлашга қаратилган “engineering activity”, “technical resume” каби интерфаол таълим методлари тил ўрганиш тажрибаларини жамоавий ҳаркатлар мувофиқлигида ривожлантиришга йўналтирилган иш турлари билан оптималлаштиришга оид тавсиялари “English teach” мобил дастурий таъминот мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги №89-09-17-сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак муҳандисларнинг инглиз тилини ўрганиш жараёни ўқув-услубий жиҳатдан таъминланишига эришилган;

инглиз тилини ўқитиш методикасини такомиллаштириш моделини амалиётга татбиқ этишга оид тавсиялари “English for technical directions” номли ўқув қўлланмага сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги №89-09-17-сонли

маълумотномаси). Натижада, бўлажак муҳандисларнинг медиатехнологиялар муҳотида инглиз тилини ўрганиш жараёнини методик жиҳатдан тизимли ташкил этиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси юзасидан жами 18 та илмий ишлар, жумладан, 2 та монография (1 таси республика, 1 таси хорижий), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Техник олий таълим муассасаси талабаларида инглиз тилини ўқитишнинг илмий ва назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ҳозирги вақтда дунёда мавжуд медиатехнологияларнинг назарий моделлари таҳлили келтирилиб, оммавий коммуникациянинг педагогик аспекти таълим ва тарбия йўналишларида ўрганилган. Таълим-тарбия жараёнини иккита ўзаро боғлиқлик, яъни маърифат тарқатиш ва оммавий коммуникациялардан фойдаланиб таълим беришга ажратиш мумкин. Талабаларга медиатехнологиялар бериш махсус ахборот оқимларини ташкил этиш орқали амалга оширилади. Оммавий коммуникациянинг талабалар касбий фаолиятига таъсир кўрсатишининг ўзига хос жиҳати – талабага ахлоқ меъёрлари, маданият ва кадриятларни образли бадиий шаклда етказишдир.

Медиатехнологиялар моделларининг хронологик таҳлилида икки хил модел, яъни “предметли” ва “аспектли” ёки “предметлараро”. Предметли модел фанлар блокига махсус фан киритиш бўлиб, бунда оммавий коммуникация воситалари ва унинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилади. Предметлараро моделнинг концептуал асоси семиотик назария асосида медиатехнологиялар беришда инглиз тилини билиш даражасини ривожлантирилади. Медиатехнологиялар беришдан асосий мақсад бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятида медиакоммуникатив қобилият ва инглиз

тилини билиш даражасини ривожлантиришдан иборат. Бунга эса олий таълим муассасаси йўналишларидан келиб чиққан ҳолда медиатеchnологиялар беришнинг таянч, касбий ва кенгайтирилган курслари ёрдамида эришилади.

Шу ўринда АҚШ, Австралия, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция ҳамда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги медиатеchnологиялари моделлари ва концепциялари таҳлили (реклама, турли кўрсатув ва фильмлар анонси ва бошқалар) орқали талабалар касбий фаолиятида инглиз тилини билиш даражасини ривожлантириш, семиотик, эстетик ва маданиятшунослик ғоялари шакллантирилган

Медиатеchnологиялар беришда семиотик назарияга таяниш талабаларга медиа кодлари ва “грамматикаси” ни ўрганиш уларни “тўғри ўқиш” кўникмасини эгаллашга имкон беради. Медиа ўз матнларининг кўп маъноли белгилари характерини яширишга интилади. Бу эса ахборотни истисмол қилиш эркинлигига хавф солади.

Маълумки, талабалар медиада акс этадиган техникага оид инглиз тилида маълумотларни (реклама, турли кўрсатув ва фильмлар анонси ва бошқа) аксарият ҳолатда қабул қилиши (маълум бир тузилмаларни қардадир кўрганлиги ёки қардадир ўқиганлигининг эслаши) ҳолатида ўз билимига мурожат қилади. Техникага оид инглиз тилида маълумотларда визуал образлар, эмоциялар ва овозли қаторнинг ишлатилиши бунга кўмак беради.

Медиатеchnологияларда касбий-танқидий тафаккурни камол топтириш назариясини қўллаш талабаларда медианинг манипулятив таъсиридан ҳимояланиш, ҳозирги демократик жамиятнинг ахборот оқимида тўғри йўналиш олиш кўникмаси муҳандислик фаолиятига оид қисмларини шакллантиради.

Тадиққотимиз доирасида техникага оид инглиз тилида маълумотлар (реклама, турли кўрсатув ва фильмлар анонси ва бошқалар) талаба онгига таъсирининг ижтимоий-психологик аспектларини ўрганиш асосида реклама - маълумотларни қайта ишлаш жараёнида, яъни эмоцияларда, фикрларда, эҳтимолий қарорлар, ахлоқий хатти-ҳаракатлар, компонентлар, хулқ-атвор, даражаларига амал қилинди.

Медиатеchnологиялар тўғрисидаги илмий-амалий тасаввурлар эволюцияси турли мамлакат олимларининг изланишларида, унинг концептуал асоси медианинг эстетик, амалий, маданий, семиотик назариялари ишлаб чиқилган.

Уларнинг қарашларида медиаматнларга нисбатан касбий-танқидий фикрлаш ҳолатлари ҳам мавжуд, лекин бизнинг фикримиз уларнинг фикрига медиатеchnология мақсадлари қуйидагича:

- ахборот теchnологиялари воситасида аудиториянинг медиасаводхонлигини ривожлантириш, касбий-ижодий қобилиятларини, ташаббускорликни, касбий-танқидий фикрлашни, медиаматнларни мустақил аргументли муҳокама қила олиш кўникмасини, кенг аудиториянинг идрок этиш ва дунёқараши шаклланишига самарали таъсирни ривожлантириш;

- аудиториянинг медиадан қандай фойдаланиш, турли медиаматнларни яратиш ва тарқатиш технологиялари тушуна олиши, медиа билан ўзаро таъсир маданиятини шакллантириш, турли кўринишдаги ахборотни идрок эта олиш маҳоратини камолга етказиш, медиа ёрдамида ўз фикрини ифодалашнинг хилма-хил шаклларига ўқитиш, медиа маданият таълими вақтида хавфли стереотипларга қарши туриш ва бошқалар.

- медиатеchnологиялар асосида олий таълим муассасалари талабаларини муҳандислик касбий фаолиятга тайёрлаш, инглиз тилини билиш даражасини ривожлантириш;

Медиатеchnологиялар устувор мақсадларига мувофиқ умумий позицияларга эга бўлган қуйидаги вазифалар методик жихатдан амалга оширилган:

- медиатеchnологияларнинг функционал кўрсаткичларининг назарий асосларини ўрганиш;
- таълим жараёнида медиа ахборотидан фойдаланиш кабилар;

Ўқув режадаги табиий-илмий, умумкасбий ва ихтисослик фанларини интеграциялаш асосида медиатеchnологияларни такомиллаштиришда ўз самарасини кўрсатган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Техник олий таълим муассасаси талабаларида медиатеchnологиялар асосида инглиз тилини ўқитиш методикаси”** деб номланган. Унда замонавий ижтимоий маданий ва ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида медиатеchnологиялар асосида талабаларни муҳандислик касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида техникага оид инглиз тилидаги маълумотларни талқин қилиш орқали талабаларда инглиз тилини билиш даражасини ривожлантириш, уларнинг таълим олиш жараёнида касбий мутахассислигига оид билимларни эгаллаш методикаси такомиллаштирилган.

Олий таълим муассасаларида фаолият юритувчи кўпгина профессор-ўқитувчилар анъанавий танқидий ёндашувни шакллантиришга таянишади. Бунинг натижасида бўлажак муҳандислар касбий ҳамда ижтимоий муносабатларидаги тафаккури ривожланиш жараёнидаги мураккабликларга дуч келишади. Бундан бўлажак муҳандисларда инглиз тилини билиш даражасининг шаклланиш жараёни таълим тизимимиздаги ислохотлар жараёнига бир қийматли мослашмаганлиги келиб чиқади. Бундан педагогик фаолиятда инглиз тилини билиш даражасини шакллантирувчи мазмун, шакл ва методларда янгиланишни, замонавийлаштиришни амалга ошириш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Бунинг натижасида бўлажак муҳандисларда касбий тайёрлаш жараёнида касбий-таниқидий ёндашувини ривожлантиришнинг асосий босқичлари ривожлантирилган:

1. Аудиторияда тақдим этиладиган медиатеchnологияларда медиа маҳсулотларини идрок қилиш ва уни ривожланиш даражаларини англай олиш;

2. Медиа материалларидаги маънони ижодий қобилият орқали ўзлаштириш ва медиаматнларни тўлиқ идрок эта олишни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;

3. Талабалар медиатеологияларда медиаматнларни мустақил ўзлаштирган ҳолда муҳандислик касбий фаолиятига мос инглиз тилини билиш даражасини ривожлантириш:

- медиаталқинлар ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлишни ва уларни ҳаёт тарзимизга, муносабатларимизга ва қадриятларимизга таъсирлари ҳақидаги билимларни эгалаш;

- медиатеологияларнинг асосий ғояларини, медиаматнларни теран тушуниш учун уларни таҳлил қилишга тадбиқ этиш;

- яқка тартибда қарор қабул қилишда медиа аҳамиятига эътибор қаратиш;

- аниқ бир ҳатти-ҳаракатлар ёки ечимлар қабул қилишда медиаматнларнинг мумкин бўлган таъсирларини таҳлил қилиш;

- оммавий ахборот воситалари материаллари ижобий ва салбий муносабатлар билан амалга ошириш;

- маълумот берувчи манбанинг мақсад ва манфаатларни англаган ҳолда тўғри ҳамда асосли касбий-танқидий таҳлил қила олиш қабилардир.

Инглиз тилини билиш даражаси медиамаданиятнинг маълумотлари турли аргументлар орқали шахс маданияти ва маънавиятига оид фикрларни талабаларга ўргатиш, уларда техникага оид инглиз тилида медиаматнларда учрайдиган манипуляцияларга қарши тура олиш кўникмасини шакллантиради. Бу дегани реклама роликини кўрган ҳар бир талабада реклама қилинаётган товарга ва уни таърифлаш нисбатан касбий-танқидий тафаккур қила олиш ҳар қандай манипулятив ҳолатларга қарши туриш ҳаракатлари ривожланади.

Бунда талабаларда касбий-танқидий тафаккур юритиш, муҳандис-ижодкор бўлиши, ностандарт тафаккур қила олиш, юқори даражадаги руҳий потенциалга эга бўлиш қобилиятлари такомилашади. Ижодий тафаккур юритиш жараёнида моҳиятан тўғри, самарадор ечимни қабул қилиш, касбий-танқидий англаганлик билан тўлдирилиши лозим. Касбий-танқидий англаганлик – ҳодисада янги қадриятларни, ғояларни, фикрларни топа олиш қобилиятидир.

Медиа маълумотларни танлаш, уни атрофлича идрок этиш, талқин қилиш, ижодий тадбиқ этиш – медиаматнга нисбатан шахсий позицияларни шакллантиришнинг асоси бўлиб, уни мустақил ва касбий-тақидий баҳолай олиш педагогик фаолиятининг барча жабҳаларида амалий фойдаланиш асосини ташкил этади.

Медиатеологиялар методларини қуйидагича синфларга ажратиш мумкин:

- олинган билимларнинг манбаларига кўра: сўзли (маъруза, ҳикоя, суҳбат, тушунтириш, дискуссия); кўргазмали (медиаматнларни иллюстрация ва намоиш этиш); амалий (медиа материалида амалий тавсифдаги турли топшириқларни бажариш);

- билиш фаолияти даражасига кўра: иллюстратив-тушунтиришли (медиа ҳақида педагог томонидан аниқ маълумотларни тақдим этиш, ушбу маълумотни аудитория томонидан қабул қилиш ва ўзлаштириш); репродуктив (талабалар еча олиш кўникмаларига эга бўлишлари учун педагог томонидан медиа материалида турли топшириқ ва машқларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш); муаммоли; қисман-изланувчан ёки эвристик, тадқиқотчилик.

Ҳозирги вақтда техникага оид инглиз тилида маълумотларни тақдим этиш методлари турли туман бўлиб, улар ўзида барча кўринишларини акс эттиради. Лекин, уларни тарихий амалиёт ва коммуникация тамойилларига кўра классификациялаш мумкин.


Мазкур методлар ҳаракатга ва ўзаро ҳаракатга чақирувчи маълумотларни тақдим этишга асосланган. Ушбу метод асосан потенциал қизиқувчан аудиторияга мўлжалланган (таргетинг). Техникага оид инглиз тилида маълумотларни таргетинглаш турли тамойиллар асосида курилади. Техникага оид инглиз тилида маълумотларнинг иккинчи гуруҳига ноанъанавий методлар тегишли бўлиб, улар инновацион ёндашувга, яъни креатив ёндашувга асосланган. Бунда аудиторияга ўзининг коммуникатив компетенцияси имкониятларини янги усулда амалга оширишни таклиф этиши зарур, яъни биринчи навбатда информацион қийматга эга мустақил яратилган маҳсулотни таклиф этиш.

Техникага оид инглиз тилида маълумотлар контекстида изланувчи тизимнинг марказий вазифаси – интернет аудиторияга маҳсулот ва хизматларга бўлган информацион талабни қондиришдан иборатдир. Бундай ҳолда техник воситалар нафақат медиум, жиҳоз балки, коммуникатив ҳаракатларни ифодалайди.

Бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида медиага боғлиқ бўлган керакли ва зарур маълумотлар билан таъминлаш уларнинг онгида адекват аксланишига олиб келади ва атроф олам билан уйғунликда иш олиб боришига имкон беради.

Ишлаб чиқилган медиатеchnологиялар модели уч асосий компонентни ўз ичига олади: мақсад, ташкилий-мазмунили жараён, таҳлилий натижавий. Мазкур компонентларнинг ҳар бири муайян масалаларни ҳал қилган (1-расм).

Техника ихтисослиги талабалари учун “Амалий инглиз тилида техник маълумотлар” махсус курсидаги техникага оид инглиз тилида материаллардаги маълумотларни идрок этишда медиатеchnологиялар модели мазмунли-мақсадли компонентининг таркибий қисмини ташкил этувчи талабаларнинг танқидий фикрлашларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган вазифалар ва машқлар тизими мавжуд. Тажриба-синов ишларини натижалари, ишлаб чиқилган медиатеchnологиялар моделининг самарадорлигини ишончли тарзда тасдиқлади. Техникага оид инглиз тилида материалларни идрок этиш даражасининг такрорий текшируви назорат гуруҳида сезиларли ўзгаришлар йўқлигини аниқлади.



1-расм. Техник олий таълим муассасаси талабаларида медиатеchnологиялар асосида инглиз тилини ўқитиш модели

Шу ўринда медиатехнологиялар жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган педагогик технологиялар баёни келтирилган, улар: “engineering activity”, “technical resume” ва “case study” каби интерфаол таълим методларидир.

Шу билан бирга медиаматнларни таҳлилий ўрганиш нуқтаи назаридан тузилган курс дастурига мос, тадқиқот ишида келтирилаётган тушунчаларга тегишли бўлган мавзудаги дарс ишланмаси методика нуқтаи назаридан очиб берилган.

Диссертациянинг **“Техник олий таълим муассасалари талабаларида медиатехнологиялар асосида инглиз тилини ўқитиш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланган учинчи бобида талабаларга техникага оид инглиз тилида маълумотлар асосида медиатехнологиялар бериш модели ва амалга оширилган педагогик тажриба-синов ишлари натижалари таҳлил қилинган.

Тажриба-синов ишлари 2018-2020-йилларда Тошкент давлат техника университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва Бухоро муҳандислик технология институтларида олиб борилди. Бунда, медиатехнологиялар асосида инглиз тилини ўқитиш моделида талабалар учун медиатехнологиялар кўникмаларини ривожлантиришнинг қуйидаги усулларида фойдаланилди:

- инглиз тилида турли хил медиа матнларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш (шу жумладан техникага оид маълумотларни таҳлил қилиш);

- медиаматнларни (шу жумладан техникага оид инглиз тилида маълумотлар) яратиш ва таҳрир қилишда ижодий ёндашувларга эга бўлиш.

Тадқиқот давомида муҳандис ихтисослиги бўйича талабаларининг техникага оид инглиз тилидаги маълумотлар асосида медиатехнологияларни амалга ошириш, талабалар учун маълумот қидириш, қайта ишлов бериш ва ундан фойдаланиш методларини ўзлаштиришларига шароит яратилди. Тадқиқот жараёнида талабалар аудиторияси учун медиатехнологиялар кўникмалари мажмуаси, модели педагогик амалиётга жорий этиш методикаси ишлаб чиқилди.

Назорат ва тажриба гуруҳларидаги талабаларнинг барча кўрсаткичлар бўйича умумий натижалари қуйидагича бўлди: Тажриба гуруҳларида тажриба бошида 13,5% (52 нафар) талаба аъло баҳо олган бўлса, назорат гуруҳларида тажриба бошида 10,8% (42 нафар) талаба аъло баҳо олган, тажриба охирида тажриба гуруҳларида 33,1% (128 нафар) талаба аъло баҳо олди ва 22,5% га ортганлигини, назорат гуруҳларида эса 12,3% (48 нафар) талаба аъло баҳо олди, яъни 1,5% га ортганлигини кўришимиз мумкин; тажриба гуруҳларида тажриба бошида 28,2% (110 нафар) талаба яхши баҳо олган бўлса, назорат гуруҳларида тажриба бошида 27,1% (105 нафар) талаба яхши баҳо олган, тажриба охирида тажриба гуруҳларида 38,2% (148 нафар) талаба яхши баҳо олди ва 11,1% га ортганлигини, назорат гуруҳларида эса 27,1% (105 нафар) талаба яхши баҳо олиб 6,6% га ортганлигини кўришимиз

мумкин; тажриба гуруҳларида тажриба бошида 48,7%(188 нафар) талаба қониқарли баҳо олган бўлса, назорат гуруҳларида тажриба бошида 50,5% (196 нафар) талаба қониқарли баҳо олган, тажриба охирида тажриба гуруҳларида 28,7% (111 нафар) талаба қониқарли баҳо олди 20% га камайганлигини, назорат гуруҳларида эса 4,5% (17 нафар) талаба қониқарли баҳо олди яъни 27,1% га камайганлигини кўришимиз мумкин; тажриба гуруҳларида тажриба бошида 9,6% (37 нафар) талаба қониқарсиз баҳо олган бўлса, назорат гуруҳларида тажриба бошида 11,6%(17 нафар) талаба қониқарсиз баҳо олган, тажриба охирида тажриба гуруҳларида 0% талаба қониқарсиз баҳо олди 9,6% га камайганлигини, назорат гуруҳларида эса 4,5% (17 нафар) талаба қониқарсиз баҳо олди яъни натижа ўзгармаганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тадқиқотимиз бўлажак муҳандисларни тайёрлашда техникага оид инглиз тилида маълумотлар материаллари асосида медиатеchnологияларни ташкил этиш моделини ишлаб чиқишни ва апробациядан ўтказишга бағишланди. Шу билан бирга тадқиқот иши, техникага оид инглиз тилида маълумотларни идрок этишда танқидий фикрлашни ривожлантириш мақсадида талабаларнинг билиш фаоллигини ошириш учун медиатеchnологияларининг имкониятларини очиб берилди.

1-жадвал.


Талабалар аудиторияси томонидан инглиз тилида медиаматнларни баҳолаш даражаси

ОТМ номлари	Кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%	Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%
Барча ОТМлар бўйича умумий натижалар	Аъло	52	13,5	128	33,1	42	10,8	48	12,3
	Яхши	110	28,2	148	38,2	105	27,1	131	33,7
	Қониқарли	188	48,7	111	28,7	196	50,5	192	49,5
	Қониқарсиз	37	9,6	0	0,0	45	11,6	17	4,5
Жами:		387	100	387	100	388	100	388	100

Тажриба гуруҳи талабаларини тест орқали синаб кўриш, аксинча, аудиовизуал ривожланиш даражасида сезиларли ўзгаришлар амалга ошганини кўрсатди. Тажриба-синов ишларининг якуний натижалари ишлаб чиқилган медиатеchnологиялар моделининг самарадорлигини ишончли тарзда исботлади.

Талабаларнинг медиатеchnологияларга, техникага оид инглиз тилида маълумотлардаги медиаматнларини таҳлил қилишга, хусусан, вазифаларни

бажариш жараёнида фаол когнитив позицияси ва вазифаларни ҳал қилишда ижодий ёндашишга бўлган қизиқиши тобора ошганлигини кўрсатди. Ишлаб чиқилган педагогик технологиялар талабаларда техникага оид инглиз тилида маълумотларни танқидий қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиришга имкон берди.



2-расм. Тажриба-синов ўтказилган олий таълим муассасалари бўйича умумий натижалар диаграммаси

Эмпирик тадқиқотлар натижалари муҳандислика ихтисосликлари талабалари учун техникага оид инглиз тилида (материаллар) маълумотлар асосида ишлаб чиқилган медиатеchnологиялар модели талабаларга маълумотларни излашда, қайта ишлов бериш ва ундан фойдаланиш методларини, талқин қилиш кўникмаларини эгаллашларида ва уларни мослаштиришлари учун шарт-шароит яратганлигини ишончли исботлади.

Тажриба-синов натижалари ишлаб чиқилган медиатеchnологиялар моделининг самарали эканлигини исботлади. Талабаларнинг ушбу турдаги фаолиятига бўлган қизиқиши ортиши, топшириқларни бажариш жараёнида фаол билим ҳолати ва топширилган вазифаларни ҳал этишда ижодий ёндашув уларнинг медиа эътирофига, медиамаданиятга тааллуқли бўлган қизиқишларини ошганлигига ишонч ҳосил қилдик. Умуман олганда тадқиқотимиз натижаси, талабаларда медиани танқидий идрок этиш кўникмаларини ривожлантиришга имкон берадиган педагогик технологияни тўғри эканлигини кўрсатди.

ХУЛОСАЛАР

Олиб борилган тадқиқот ишимиз натижаларини умумлаштириш натижасида мақсадга эришилганлигини, вазифалар ечилганлигини қайд этган

ҳолда олинган назарий ва тажриба-синов маълумотлари қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон берди:

1. Бўлажак муҳандисларнинг аксариятида медиа соҳасидаги элементар билим ва кўникмалар етишмаслигини инобатга олиб, замонавий педагогиканинг бир йўналиши сифатида медиатеchnологиялар доирасида, замонавий ахборот маконида талабаларнинг инглиз тилини билиш даражасиларини ривожлантириш, медиа саводхонлигини ошириш, турли хил медиа матнларни қабул қилишда уларни жойлашган ўрнини аниқлаш, маълумотларни қабул қилишга нисбатан илмий-назарий ва танқидий ёндашув амалга оширилди.

2. Тадқиқотимиз давомида инглиз тилида маълумотлар турлари аниқланди. Техникага оид инглиз тилида маълумотларни, сиёсий, фаолиятга оид, институционал, ижтимоий, интерфаол маълумот турлари бўйича таснифланди. Техникага оид инглиз тилида маълумотларнинг анъанавий функциясини таъкидлаб (хусусан иктисодий), нафақат ғайриоддий, балки бўлажак муҳандислар учун жуда муҳим ижтимоий, таълим-тарбиявий, маданий, сиёсий функцияси (техникага оид инглиз тилида маълумотлардан фойдаланиш асосида) асосланди.

3. Медиатеchnологиялар моделларидан фойдаланиш – педагогика соҳаси олдида турган мақсад ва вазифаларга боғлиқ медиатеchnологиялар беришнинг потенциал имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш имкониятини яратди. Бўлажак муҳандисларга медиатеchnологиялар беришнинг тадқиқот ишида кўриб чиқилган моделларини қўллаш умумий дидактик тамойилларга ҳам, медиамаданиятнинг шаклланиш хусусиятларига асосланганлиги келтириб ўтилди.

4. Талабаларда техникага оид инглиз тилида маълумотларни қабул қилиш, танлаш ва уни баҳолашнинг энг асосий жиҳатларидан бири – маълумотларга инглиз тилини билиш даражасини амалга ошира олишидир. Медиамаҳсулотларни касбий-танқидий таҳлил этиш жараёни ўз навбатида танқидий медиасаводхонлик номини олган бўлиб, у бўлажак муҳандисларни медиамаатнларни идрок этишлари ёки улар устида фикр юритишлари, муҳандислик фаолият олиб боришларида инглиз тилини билиш даражасини амалга оширишга ёрдам беради.

5. Медиамаатларни кенг тарқалган касбий-танқидий таҳлили методик усуллари орасидан оммавий ахборот воситалари материалларида ёлғон ва ростларини бўлажак муҳандислар асосли равишда ажрата олиши, маълумот берувчи манбанинг мақсад ва манфаатларни англаган ҳолда тўғри ҳамда асосли равишда касбий-танқидий таҳлил қила олиши алоҳида кўрсатиб ўтилди.

6. Медиатеchnологиялар шароитида бўлажак муҳандисларда касбий-танқидий тафаккурни самарали ривожлантириш яхлит ёндашувга боғлиқ бўлиб, дидактик таъминотини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг таъсири, турли медиамаатнларни касбий-танқидий

тафаккурлаш орқали қабул қилиши, таълим жараёнида олган тажрибаларини ишлаб чиқариш амалиётларида мақсадли фойдаланиши медиатеchnологиялар жараёнини техник нуқтаи назардан тўлиқ ўзида намоён этди.

7. Талабаларга медиатеchnологиялар бериш жараёнида касбий-танқидий ривожлантиришга қаратилган методик модел ишлаб чиқилди ва педагогик амалиётга жорий этилди. Методик моделда талабаларнинг муҳандислик фаолиятида инглиз тилини билиш даражасини ривожлантиришда фанлараро интеграциясига асосланди. Турли хил медиа матнларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш, инглиз тилида медиа матнларни (шу жумладан Техникага оид инглиз тилида маълумотлар) яратиш ва таҳрир қилишда танқидий ёндашувларга эга бўлиши компьютер дастурини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилди.

8. Тажриба-синов натижалари ишлаб чиқилган медиатеchnологиялар моделининг самарали эканлигини исботлади. Талабаларнинг муҳандислик касбий фаолиятига бўлган қизиқиши ортиши, топшириқларни бажариш жараёнида фаол билим ҳолати ва топширилган вазифаларни ҳал этишда инглиз тилини билиш даражаси уларнинг медиа маданиятга бўлган қизиқишларини ошганлигини, касбий-танқидий идрок этиш кўникмаларини (техникага оид инглиз тилида мулоқот) ривожлантиришга имкон берадиган таълим теchnологиялари тўғри эканлигини кўрсатди.

Ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларига асосланиб, олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларнинг инглиз тилини билиш даражасини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар берилди:

1. Бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашда инглиз тилини билиш даражасини ривожлантиришнинг ахборий-дидактик таъминоти табиий ва умумкасбий фанларни интеграциялаш ҳамда медиатеchnологияларда замонавий ахборот-коммуникация теchnологияларидан фойдаланишни кенг қамровда тадбиқ этиш;

2. Бўлажак муҳандисларни ахборотлашган медиатеchnологиялар муҳитида касбий фаолиятга тайёрлаш компонентларини компетентли, фаолиятли ва креатив ёндашувлар асосида фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

3. Муҳандислик касбий фаолиятда техникага оид инглиз тилида маълумотларни қабул қилишга нисбатан касбий-танқидий ёндашув орқали нефт-газ кимё саноати теchnологияси таълим йўналиши талабаларининг медиа ҳамда коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш методикасини компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда медиатеchnологиялар жараёнига тадбиқ этишни кучайтириш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ГАНИХАНОВА МАДИНА БАХРЕТДИНОВНА

**МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ
ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗОВ НА ОСНОВЕ МЕДИАТЕХНОЛОГИЙ**

13.00.02 – «Теория и методика обучения и воспитания» (английский язык)

АВТОРЕФЕРАТ

**диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

Чирчик-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.3.PhD/Ped605.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на 3-х языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице научного совета (cspi.uz.ilmiy-kengash) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Махкамов Улфат Илхомович

доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Нурманов Абдиназар Ташбаевич

доктор педагогических наук, доцент

Икрамханова Феруза Икрамовна

доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «____» _____ 2022 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01., присуждающего ученную степень при Чирчикском государственном педагогическом университете (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70 712-27-55; факс: (+998) 70 712-45-41, e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического университета (зарегистрирована под номером ____). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70 712-27-55; факс: (+998) 70 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2022 года.

(протокол реестр под номером ____ от «____» _____ 2022 года).

Ш.Қ.Мардонов

председатель научного совета по

присуждению ученых степеней,

д.ф.н., профессор

Ф.У.Қодирова

секретарь научного

совета по присуждению ученых степеней,

доктор педагогических наук (DSc)

У.Н.Ходжамкулов

председатель научного

семинара при научном совете по

присуждению научных степеней,

доктор педагогических наук (DSc)

ВВЕДЕНИЕ

(Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях глобальных изменений, происходящих в социально-экономической и научно-технической сферах в мировом масштабе важное значение приобретает совершенствование системы подготовки кадров на основе медиатехнологий. Медиаобразование осуществляется в таких передовых научных центрах и образовательных учреждениях мира, как Организация международного образования, науки и культуры ЮНЕСКО и образовательных медиацентрах Center for Media Education. Поэтому при подготовке студентов к профессиональной деятельности в высших учебных заведениях необходимо организовывать и совершенствовать их профессиональные знания, умения и навыки по английскому языку на основе медиатехнологий.

Согласно международному передовому опыту, в системе образования таких развитых стран, как США, Англия, Австралия, получают особое признание исследования, направленные на разработку педагогических моделей по осуществлению учебного процесса на основе медиаобразования, определение педагогических и психологических особенностей обучения, развитие у студентов профессиональные навыки в процессе образования. В частности, совершенствование информационных навыков на английском языке будущих инженеров к производственной деятельности, основанного на медиатехнологий в высших технических образовательных учреждениях, является важным фактором в их подготовке к технической профессиональной деятельности и повышении качества методики обучения английскому языку. В целях обеспечения соответствия высшего образования международным стандартам, развития подготовки квалифицированных инженерных кадров в соответствии со социальным заказом необходимо осуществлять медиаобразование посредством интегрирования современных педагогических технологий и информационно-коммуникационных технологий при обучении английскому языку.

В целях обеспечения выполнения приоритетной задачи “подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда”², определенной в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан становится очевидной необходимость интенсификации развития информационных навыков студентов высших образовательных учреждений, подготовки к профессиональной деятельности, используя информационно-коммуникационные технологии при обучении английскому языку, современные педагогические и цифровые технологии. Это предполагает на основе медиатехнологий совершенствовать технический подход студентов высших образовательных учреждений в инженерной деятельности и разработку форм и методов обучения английскоого языка.

² Указ Президента Республики Узбекистан “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”. – <https://lex.uz/docs/3107036?otherlang=1> .

Диссертация в определенной степени служит реализации задач, намеченных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, УП-5349 от 19 февраля 2018 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций”, ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” от 20 апреля 2017 года, ПП-3151 “О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием” от 27 июля 2017 года и ПП-3775 “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших технических образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах” от 5 июня 2018 года и других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках первого приоритета развития науки и техники республики I. «В социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-образовательном развитии информированного общества и демократического государства формирование системы инновационных идей и способов их реализации».

Степень изученности проблемы. Фундаментальные и прикладные исследования совершенствования профессиональной подготовки квалифицированных инженерных кадров в стране, теоретических основ использования информационных технологий в организации среды медиаобразования получили отражение в трудах таких отечественных ученых, как Р.Х.Джураев, У.И.Махкамов, А.Абдукодиров, У.Бегимкулов, С.К.Каххаров, Ш.С.Шарипов, Ф.М.Закирова, О.Х.Туракулов, Р.Д.Шодиев, Ж.А.Хамидов, Х.О.Жураев.

Проблемы информатизации образования, внедрения медиатехнологий в образовательную практику обучения английского языка, творческого подхода в инженерной деятельности исследованы в странах СНГ, такими авторами, как Г.А.Усов, Г.Я.Власкина, Т.М.Бармашева, В.В.Ксенофонтов, С.Р.Фейгинов, В.А.Монастырский, В.И.Иванов, М.Ю.Бухаркина, Н.А.Лепская, Н.П.Петрова, В.А.Самойлов и других.

Научные исследования по теории медиаобразования и практики обучения английского языка осуществлены такими зарубежными учеными, как E.Bevert, L.Masterman, C.Freinet, M.Martineau, G.Naken и другими. В частности, известный исследователь Л.Мастерман определяет цель медиатехнологий в качестве способности человека рассуждать посредством самостоятельных аргументов.

Анализ научных исследований и источников, относящихся к теме показывает, что, несмотря на существование в стране большого потенциала использования медиа средств в процессе обучения английскому языку, они

недостаточно используются, педагогами недостаточно изучены теория и методика медиатехнологий, существование необходимости развития у будущих инженеров навыков полноценного восприятия и анализа английских материалов, а также недостаточная разработанность модели использования медиатехнологий при обучении английскому языку, необходимость развития информационных навыков к техническим материалам на английском языке и их восприятию в инженерном аспектах, определяют актуальность темы настоящего исследования.

Связь исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения. Диссертации выполнена в рамках плана научно-исследовательской работы Ташкентского государственного технического университета «Комплексная программа мероприятий, направленных на развитие научно-исследовательской деятельности и повышение научного потенциала» (2018-2021 годы).

Цель исследования - совершенствование методик обучения английскому языку студентам технических вузов на основе медиатехнологий.

Задачи исследования:

